

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

## УМРИМИЗНИНГ ҲАР ДАҚИҚАСИ НАВРЎЗГА АЙЛАНСИН!

**Ислом**

**КАРИМОВ:**

Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устивор кудрати ва чексиз саховатининг, шу билан бирга, бизнинг неча минг йиллик қиёфамизнинг, урф-одатларимизнинг мангулик ифодаси, тасдиғидир.

\* \* \*

Тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган юртга байрам ярашади. Тотувлик, осудалик бор жойдан балоқазолар йироқ юради.

Аждодларимиз Наврўзи оламини ёруғлик куни, хайру эҳсон ва меҳрибонлик палласи деб билганлар. Беморлар, етим-есир, кўнгли ярим бева-бечораларга беминнат ёрдам кўрсатиб, меҳрга муҳтож бўлганларни зиёрат қилиб, уларнинг кўнгилларини кўтариб, дуоларини олганлар. Ота-боболаримизнинг бундай эзгу удумини давом эттирмоқ биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

\* \* \*

Наврўз дамларида одамзот оиласига, фарзандларига боқиб, уларнинг бахтини, иқболини кўрмоқни истайди.

Оила меҳр-муҳаббат маскани.

Оила иқболи — юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги гарови.

Оила — жамият асоси, пойдевори. Унинг фаровон бўлиши, фарзандларимизнинг баржамол бўлиб вояга етиши — Ватан бойлиги ва кудратининг асосидир.



### ЭЪЗОЗ

Куни-кеча республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасида Япония ҳукумати грандларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

120 минг АҚШ долларига тенг булган маблағ республика кўзи ожиз болалар шифохонасига ҳамда Тошкентдаги 5-болалар касалхонасига топширилди.

Ушбу маблағ ногирон болалар учун зарур булган замонавий тиббиёт воситалари ҳамда махсус ўқув жиҳозларини харид қилишга сарфланади.

Мухтор БЕК

## Мурувват

## САВОБ

Республика «Болалар» жамгармаси раиси И. Юсупова болажон, камтар аёл. У бир неча йиллардан буён жамгарма раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Опанинг ташаббуси билан жамгарма ҳузурда ташкил этилган ўқув маркази, кўнрақ театри ўз бағрида юзлаб иқтидорли, талантли ёшларни тарбияламоқда. «Болалар» жамгармаси муассислигида дунё юзига кўрган «Оила ва жамият» ҳафталик газетаси бирор кун кечикса, азиз киши мизни соғингандек иштиқ бўлмас. Зеро, газета кўнрақнинг қаламга йўл топган, сирдохи ва ҳамдароғи айланган алақачон улгурган. Барча ана шундай хайри маънавий-маърифий меҳр-оқибат билан сургонга тадбирлар бошида бугунги меҳмонимиз Ниқолаб опа ЮСУПОВА борлиги бизни қувонтиради.

Келинг, яхшиси азиз муштарийлар опанинг болажонлик, покдомонлик, оилаларни мустаҳкамлаш, меҳр-мурувват борасидаги юракдан чиққан сўзларини бир тингланг-а!

— 1998 йил юртбошимиз таклифлари билан «Оила йили» деб эълон қилинди. Бунинг замирида улкан маъно, катта гамхурилик, болажонлик туйғуси мужассам. Демак, Оила йилида аёлга, болага эътибор борасида сезиларли ўзгаришлар бўлиши керак. Оила йили давлатларига фақат чиройли гаплар билан эмас, аниқ, амалий иш билан жавоб беришимиз керак. Бизнинг жамгармада савоб ишларни қилиш зиммасига юкланган ташкилот. Шундай экан, бу ташкилотда эзгу нияти, савоб ишни силқидилган қилдирилган ишлари керак. Ахир, юртбошимиз таъкидлагандаридек савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак бўлса, бизнинг жамгармада у замирида кўнрақларидан ута филойилик, ута ҳалолликни талаб этади.

Одамларимизнинг болажон, оилапарвар, меҳр-оқибатлиги мени қувонтиради. Агар биз озгина мана шу хислатларимизга эътибор қилсак, дунёда энг ягона, буюк давлат бўлиб қоламиз.

Шу уринда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Оила мустаҳкам бўлиши учун аёл билан бирга эркакка ҳам катта масъулият юкланади. Негадир биз фақат қизларни турмушга тайёрлаш борасида қатор тадбир-режалар белгилаймиз, эртага оиланинг асосий таъин-суянчига айланадиган йигитларимиз тарбияси, уларни турмушга тайёрлаш билан қизиқмаймиз. Ана шу масалани уртага қўйиш вақти етди деб уйлайман. Йигитларимиз даврасига домларлар, оқсоқоллар, еши улугларимиз кириб боришини. Даврасигагина эмас, уларнинг юрагига кириб боришини.

Яқинда бир гуруҳ жаҳон талқиқоти олимлари ва ҳодимларимиз томонидан республикамизда оналик ва болаликни, оилани ҳимоя қилиш борасида қилинаётган ишлар урганиб чиқилди. Натияжадан чет эллардаги аҳвол билан таққосланганда, буни қаранглик, бирор бир мамлакат Президентини элини, оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида бизнинг юртбошимиз каби кўп қарор ва фармонлар қабул қилмаган экан. Зеро, юртбошимизнинг ҳар бир қарорини, фармони замирида болажон, меҳри даре эл қалби акси бор.

Болалар — бизнинг келажакимиз. Эртагис эгаси, ишларимиз ҳаётимиз давомчилари. Шундай экан, уларни баркамол, маънан бой, соғлом, бакуват, илм-хунарли, инсоф-диёнатли этиб тарбиялаш, тиргаб, суяб ҳаёт синовларидан олиб ўтиш, изимиздан оилапарвар, болажон, Ўзбекистонимизни буюк келажак сари элтувчи авлод қолдириш сизу бизга ишоний топширилган. Ҳаммаларингизга ана шу ишончнинг оқлаш борасидаги эзгу ишларингизда омад тилайман.

Муҳаббат ЗОИРОВА

## НАВРЎЗ ВА АЁЛ ШАРАФИГА

Баҳор ва Аёл бир-бирларига ниҳоятда ухшаб кетадилар. Яратиш ва яшнатиш уларнинг абадий хислат—фазилатларидир. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги «Дипхорижизмат» бошқармаси томонидан ташкил этилган Наврўз сайлида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчиларининг рафиқалари иштирок этидилар. Маълумки, аёл ва баҳорнинг феъл-атвори ҳам бир-бирига ниҳоятда монанд—қувноқ ва серҳажон... Мазкур йигинда ҳам айни шундай руҳ ҳукмронлик қилди. Йигитларнинг Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги «Дипхорижизмат» бошқармаси бошлиғи Алишер Қодиров табриклади. Табригу қўлловлар, куй-қушиқлар турли тилларда янраган бўлса-да, уларнинг маъно-мазмунини бир хил эди — оламда, ҳар бир хонадонда, ҳар бир аёл қалбида тинчлик, фароғат, муҳаббат барқарор бўлсин!

Мазкур йигин иштирокчиларидан айримлари муҳбиримизга уз таассуротларини қуйидагича изҳор этидилар: **ГУЛНОРАХОНИМ АЛИМОВА, қирғизистонлик:** — Бугун оламда баҳор ҳукмрон, Наврўз тантана қилмоқда. Мен ҳам, умр йўдошим ҳам бу айёмни Ўзбекистонда худди уз юртимиздагидек кутиб олаётганимиздан чеқсиз бахтиёримиз. Қирғиз ва ўзбек



халқлари азал-азалдан бир-бирига қондош-жондошдир. Наврўз байрамини биз ҳам катта шодиёна билан нишонлаймиз. Тирикликнинг муқаддас таоми — сумалакнинг таъми ҳам худди шундай тоғли. Наврўз дастурхонига яна бешбармоқ, қимиз каби миллий таомлар ҳам тортилади. Буларнинг барисида аёллар-оналар бошқош буладилар.

**СРИ СОЕКАДАРИ ХОНГОВОН-СО хоним, индонезиялик:** — Бизда баҳор байрами махсус нишонланмасда, турли ҳосил-йигим-геримига бағишланган байрамларимиз бор. Байрам таомларимиз асосан, гурунчдан тайёрланади. Сизнинг миллий таомларингиз сумалак ва палов бизга жуда хуш ёқди. Мен ўзбек халқини яхши қўриб қолдим. Назаримда, биз бир-биримизга ухшаб кетамиз. Болапарваримиз. Элчихонамиз Индонезия маҳсулотлари савдо-сотик ярмаркасини ташкил этиб, ундан қўрилган фойдани болалар уйларида ердан тарихи қасида утка эди. Менинг турт фарзандим, олпитане ва рамбор. Индонезия аёллари жамоат ва давлат ишларида фаол иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ҳукумат министрларидан учтаси аёллардир.



**БЕРБЕЛЬ БИНДЗАЛЬ хоним, германиялик:** — Янги йилни биз ҳам узига хос шодиёна билан нишонлаймиз. Лекин сизнинг юртдаги Наврўзга менимча ҳеч бир байрам тенг келолмайди. Бундай ёқимли об-ҳаво, одамларнинг ёрқин чеҳраси, таомларнинг дилтортарлиги, куй-қушиқларнинг, рақсларнинг жозибаси узига ҳам тақдорланмасдир. Ўзбекистонга келганимга икки йил бўлиб қолди. Илгари фақат тарих китобларидан Бухоро ва Самарқанднигина билардим. Халқингизнинг кўп асрлик урф-одатлари ва ҳаёт тарзи билан яқиндан танишганимдан бахтиёрман. Маҳалалардаги бир нечта хонадоннинг ягона оила бўлиб дустлик-аҳилликда ҳаёт кечиряшлари мени гоятда ҳайратга солиди. Одамларнинг бир-бирига бўлган ҳурмат-эътибори, чеҳраларда порлаб турган хайрихоҳлик, самимиятни

назаримда ҳеч бир халқда учратмайсангиз. **ВАН ПЭЙ-ДИ хоним, Хитой Халқ Республикасидан:** — Икки йилдан буён Ўзбекистондаман. Мен бу ерда узимни худди уз ватанимда яшаётгандай ҳис қиламан. Балки ҳаммамиз бир қитъада — Осиёда яшаётганимиз боисидан шундайдир. Шон-шавкатли олис тарихимиз, Буюк Ипак йўли бизни абадул-абад бир-биримизга боғлаб туради. Ўзбекистон ва Хитой халқларининг муштарак жиҳатлари кўп. Энг муҳими, ҳар иккала халқ ҳам тинчликпарвар, ниҳоятда меҳнатсевардир. Мен Президент Ислам Каримовнинг ички ва ташқи сиёсат бобида юритаётган раҳбарлиги туғри ва истиқболга эга эканлигини қайд этишни истардим. Мен бу ҳурматли зот сиймосида ўзбек халқига хос энг чиройли хислат, фазилатларни кўрган деб уламандим. Улугворлик, ниҳоятда самимийлик, офтобдек иссиқ истара. Муқаддас Наврўз тантаналари яна шундан далолат бераптики, халқ уз юртбошисини жон-диддан севади, унга ишонади, ёрқин келажакка дадил боқади. Халқ руҳидаги кутаринкилик эса қўлуг ва эзгу бунёдкорликларга қодирдир.



**Д. САИДОВА**

## МУКАММАЛИК ЙЎЛИДА

Топкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Оила кодекси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йигилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлими муди-ралари, судьялар, маҳалла хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этидилар.

Йигилиш иштирокчиларидан бир гуруҳи штагез муҳбиримизга муҳокама юзасидан уз муносабатларини билдирдилар:

**Бекобол шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси. Т. ШАРИПОВА:**

— Дарҳақиқат, бу масалага нафақат оила билан шугулланувчи масъул соҳа кишилари, балки юрт эртаси, жамият таракқиёти ҳақида қайгурувчи ҳар бир киши жиқдий қарашни, муносабатини билдириши лозим.

Биз ҳам хотин-қизлар қўмитаси аъзолари, шаҳардаги фаол аёллар, кўп фарзандли оналар билан биргаликда янги Қонун лойиҳасини урганлик, унинг бандлигига айрим таклифларимизни билдирдик. Улардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этсам.

Янги лойиҳанинг 11 бўлим, 3-боб, 13-моддасига «диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас», деган сатрлар маъқул.

15-моддани оидинлаштириш, яъни узрли

сабаблар нималардан иборат эканлигини аниқ кўрсатиш лозим.

**Д. ИШПУЛЛОВА** — Урта Чирчиқ туман ФХДЕ бўлими мудири:

— Лойиҳанинг ажримлар ҳақидаги моддасида, ажримлар ҳақида суд қарори ФХДЕда қайд қилинмай, суд қарори қонуний деб ҳисоблансин», дейилган. Лекин иш тажрибамиздан келиб чиқиб, бу нотўғри деб биламиз. Чунки ажрим қайд қилинганлиги кўрсатилмай қолади. Ажрим ҳақидаги қарорлар фақат Ўзбекистон Республикасида эмас, бошқа республикаларда ҳам чиқарилади. Никоҳлар ҳам бошқа республикаларда қайд этилади. Демак, никоҳ акт қозғида ажрим қайд этилмас, фуқарога тақдоран никоҳ гувоҳнома-си бериб юборилиши мумкин. Бунинг устига, ажрим ҳақидаги гувоҳнома йўқолган тақдирда ФХДЕ томонидан тақдоран гувоҳнома ҳам бериб юборилиши мумкин.

Яна бир фикр — баъзи ҳолатларда ажримлар учун берилган уч ойлик муҳлат кўп, деб уйлайман. Масалан эру-хотин кўп йил турмуш қуришиб, фарзанд қуришмади. Икки томон ҳам ажримга рози. Бундай ҳолатларда суд томонидан уч ойлик муҳлат зарур эмас, деб уйлайман.

Зулхумор ЖЎРАЕВА

«Оила шаҳараси» танловига

## ИНСОНЙЛИК ФАЗИЛАТИ

Ҳақиқатан ҳам етти ота ва улардан тарқалган авлоднинг библиш бу одамийлик фазилатларидан биридир.

Султамиз ҳақида билганларимиз қуйидагича:

1. Далам — Исомиддин Ёқубжон ўғли.

2. Даласи — Ёқубжон Абдурахим ўғли.

3. Даласи — Абдурахим — Турдали ўғли.

4. Даласи — Турдали Иброҳим ўғли.

5. Даласи — Иброҳим Абдушукур ўғли.

6. Даласи — Абдушукур Абдурахим ўғли.

7. Абдурахимнинг отасини билмайми.

**Бобурбек ИСОМИДДИН ўғли**

«СУЛАЙМОН»НИНГ САХОВАТИ

Биз томонларда «Оила ва жамият»ни севиб ўқишди. Бунга сабаб газета саҳифаларида турли қизиқарли мавзулар ёритилади.

Яқинда қутилмаган воқеа туфайли бошимиз кукка етди. Собик ўқувчимиз — Таллимаржон шаҳридаги нон ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сулаймон» фирмасининг бошлиғи Кодиржон Шодиев ўз қорхонасидан мактабимизга марказий матбуот нашрларидан 9 турдаги газета ва журналларнинг бир йиллик обунаси учун ҳомилик қилди. Нашрларнинг барчаси мактабимизга мунтазам етиб келмоқда. Шуларнинг ичида «Оила ва жамият» газетаси ҳам борлиги бизни беҳад хурсанд қилди. Газетангиз саҳифаси орқали Кодиржон Шодиевга мактабимиз номидан миннатдорчилигини этаклашимизни илтимос қиламиз.

Нормурод  
НУРМОҲОВ



Наврўз шодиёналари давом этмоқда.

## СУМАЛАК ЯЛАГАН ЧАҚАЛОҚЛАР

Утган йили кўзда Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги Зангиота маҳалласида истикомат қилувчи Зулхумор Раҳматова бирданга уч фарзанд — Ҳасан, Хусан ва Фотиманинг онаси бўлган эди. Оиланинг уч ёшли фарзанди Камола бу йил уч ақа-синглисига улуғ Наврўз таомини илк бор ялатди.

Мухтор БЕК

### Мен сизга айтсам...

— Мен неча ёшга кирганга ухшайман... Қирк ёшларда дейсизми, шунчалар қари қуринманми? Йўқ, бундан хафа бўлмайман-ку, лекин... Ахир мен энди уттизга қираяйман... Юзингиз териси қуруққа ухшайди, ажинлар шундан бўлса керак, депсизми? Йўқ, мен бундай деб уйламайман. Ҳамма гап рузгорининг нотинчлигида. Э, қуйинг, уйламанг, узингизга қаранг дейсиз. Ҳамма бир овозда шу маслаҳатни беради.

Уч кун бўлди — бири уч яшар, иккинчиси беш яшар болам билан роса икки ой касалхонада ётиб чиқдик. Менинг болаларим мижвози бир хил — бири касал бўлса, албатта иккинчиси ҳам касал бўлади. Касалхонада иккала болам билан ётибман. Эрим икки-уч кунда бир кургани келди, тагин соат ундардан кейин. Болалар ухлаб ётган пайтда. Касалхонада фақат аёллару болалар. Кичкинам отасини шунчалар соғиниб кетдики, қуринган эркакка «дала» деб талпинади. Бегона ола, табиийки, қарамайди. Бола эса бола-да, дол солиб талпинади... Менинг эса юрагим бурда-бурда бўлиб кетди. Эркак деганининг — ота деганининг меҳри қаттиқроқ бўларкан-да!..

Ниҳоят болалар тузалгач, эрим бизни касалхонадан уйга олиб келиб қўйди-ю, тагин ишхонасига кетди. Қарасам, уйда нон йўқ. Пул ахтариб миҳла осегилик шими чунтагига қўл тиксам, ...қулдиға аёллар соати илинди. «Ҳа, эрим қандоқ яхши, менга соат олиб қўйибди», — қуңглимдан кечди, худо ҳақки, ёмон гапни уйлаганим йўқ. Лекин яхшироқ разам солиб қарасам соат янги эмас, ишлатилган. Не бўлса бўлди — ут бўлиб гуриллаб ёндим, гулханга айландим, оташ бўлдим... Икки ой бола билан касалхонада ётиб чиққан одамман... Мен уша тобда гуеки жонсиз ҳайкал эдим. Бир маҳал болаларнинг хархашасидан узимга келдим. Бирининг қорни оч — овқат тайёрлаб беришим керак, каттаси зериккан, кўчага чиқаман, деб тийхирлик қилади. Ваннахонада кир тоғдек бўлиб уюлиб ётибди. Уйларни чанг босган — сугуриб-сидиришим керак. Кечга овқат тайёрлаш керак. Ҳали нон йўқ уйда...

Ҳаммасининг устига-устак энди шу — қай бир аёлнинг эрим чунтагига алашиб тушиб қолган соати бормиди? !!!

Алламаҳаллача ҳайкалдек қотиб утиришга, йиғи-сиғи қилишга вақтим ҳам, имкониятим ҳам йўқ эди — менга мунтазир юмушларга киришиб кетдим. Лекин қасос ути жисму-жонимни ут бўлиб ёндирарди. Аллапайтда эрим келди — сумкада нон, гушт, картошка, сабзи, пиёз билан... Болалар ухлаб қолишганди. Мен ҳали аччиғимдан тушмагандим. У қучалик кийимларини алмаштирмай туриб соатни тушимга остида айлантириб сўрадим.

— Бу нима деган гап?

— Бу соат, соат, — деди у пинагини ҳам бузмай.

— Кимники дейман?

— Эй, нима бунча жаҳл қиласан? Тунов кунни бир журам меҳмон бўлиб келувди. Кечга-чга утирди. Кетаётиб «Шуни соатсозга тузаттираман деб олиб чиқувдим, энди тунда кутариб юрмайин, сизда турсан», деб ташлаб кетувди.

— Бу тилла эмаски, биров олиб қуйишидан қуруқса, бу оғир бир нарса эмаски, кутариб юришга эринса... Бу қайси аёлнинг соати — айтинг, — мен жазавам тутиб, чинқириб, чийиллаб бақира кетдим. Дунё қузимга қоронғу қуришиб кетди. Югуриб бордим, эрим кутариб келган сумкани даст кутариб очқ деразадан настка ташлаб юбордим.

— Ис, жиннимисан? Мен буларни фалон пулга сотиб олиб қанча жойдан кутариб келсаму... — деганича ҳай-ҳайлаб қолди эрим. Шу оралда гапа-говурдан кичкинам уйғониб йиғлай бошлади. Уни овугани югуриб бордим. Елкасини силаб-сйлаб алда айтиб қайтадан ухлатдим.

Уйладим: эртага эрим эрта тонгда ишхонасига жўнаб кетади. Мен эса болалар билан қолман. Бургага аччиқ қилиб, курпани қуйдирсам, эртага ёйишга ҳеч вақо йўқ. Ҳаммасини деразадан улоқтириб юборган бўлсам. Мен учинчи қаватдан настка, кўчага отилдим. Уйимизни орқа томонига утдим. Қоронги эди. Бунинг устига орқа томон турли дархату усимликлар усиб чақалақзорга айланганди. «Ана, ана чан томонда», деди деразадан қараб турган

эрим. Мен сумкани топдим. Лекин қулдимни тикиб гушт урами йўқлигини сездим. Зим-зиё қоронғуликда эмаклагулек бўлиб пайпаслаб, гуштни изладим. Ниҳоят қулдим юмшоқ нарсага тегиши билан оғим остидан икки мушук икки еққа қараб шип этиб қочиб қолди. Юрагимда юрак қолмади. Қурққангидан оёқ-қулдим қалт-қалт титрайди. Ниҳоят мушуклардан қолган қуттан гуштни, ҳар томонда сочилиб ётган картошка-ю, сабзи пиёзларни топганимча топиб сумкага солиб уйга қайтдим. Қурқув туфайлими ё, чарчоқ голиб келдим, эримга булган аччиғим — қаҳру ғазабим худдики пардек тузғиб кетганди. Яна уйламанг: бақириб-чақирганим билан нимага эришаман? «Ҳа, энди сенинг йўгингда зериккан

и м д а н  
б и р

шу «темир хотин» мени тушунади, дардимга даво топади, бунга шак-шубҳа йўқ эди. Кеча хонадонимизда бўлиб утган машамшаларни эшитаркан, бошлиқ опа ниҳоятда дарғазаб бўлди. Столга бир мушт тушириб деди:

— Бунақа хотинбозларнинг, адабини бериш керак! Гуштининг урнига узини даст кутариб дераздан улоқтириб ташласангиз бўлмасми. Мен сизни яхши тушуниб турибман, сингил, нима десангиз сизнинг тарафингизда тураман. Хоҳласангиз ҳозирок эрингизни топтириб келиб, ишдан ҳайдайман. Тўқликка шухлик қилаяпти, шекилли. Унинг уринини қузлаганлар сон минта. Ҳали чунтагидан бир мири қолмаса қурасиз, қай аҳволга тушаркан. Йўқ, яхшиси, прокуратурада ишлайдиган дутонам бор, ушани чақира қолай. Қонун йули билан эрингизнинг танобини бир тортиб қўйсин.

Опанинг қайнаб-тошиб айтаётган сузларини эшитарканман, эсим оғиб қолай деди. Эримни бушата — тирикчилигимиз нима бўлади, судма-суд сулраб овора қилинса, эл-авлод олдидан нима деган одам бўламан. Вой, шуримга шурва, нима қилиб қўйдим?

— Йўқ, опагон, — дедим. — Ишдан ҳам бушатманг, прокурор опани ҳам чақириб овора қилиб юрманг, мен энди шунчаки сизга дардимни егани келгангидам.

— Сизлар энди шунақа, заиф аёлларсиз-да, қадрингларни билмайсизлар. — Опа мендан нафратлангандек, юзини бурди. Мен бўлсам мени кутаётган барча нохушликларни куз олдимга келтириб, пиқ-пиқ йиғлашга тушдим.

— Майли, — деди опа, — қунапм дийдиё килаверманг, ишим бошимдан олиб ётибди. Хоҳласангиз сиз учун яна бир йул бор, сиз менинг олдимга келмангиз, мен сизни қурмаганман, эшитмаганман.

Менга айна ана шу фикр маъқул келди. «Маъқул» дея, бош қимирлатдим.

— Ана сизга бирон соат муҳлат берай, — деди у, — шу вақт давомда ҳамма гапни яхшилаб уйлаб қуриб, сунг қарорингизни менга айтинг, ҳўми?

Мен бошлиқ опанинг хонасидан бошим айланиб, ганди-

рақлаб кўчага қикдим. Бир соатни нимадир қилиб ўтказишим керак. Ногоҳда эн томонимдаги магазин витринасидаги уз аксимни қуриб қуңглим бузилиб кетди. Сочлари пахмоқ, бақдовок, елкалари шаклираб қолган, қуйлаги гижим бўлиб кетган аёлни кўрдим... Шускемайқала утириб қолдим. Бошлиқ опа тайинлаган муддат ҳам ўтиб кетди чоғи. «Қуйинг, уйламанг, эркаклар узи шунақа бир-бир бошлари айланиб туради, — дейсизми? Гапингизда жон бордир, балки? Мана ҳозир кўчадан утган-кетганга қараб утирибман. — Кўча тула чиройли аёллар... Эрим бўлса ҳар кунни шу кўчадан ўтиб ишхонасига боради, кеч-қурун уйга қайтади. Чиройли аёлларни куралди. Биласизми, шу тоғда, дундаги ҳамма чиройли аёллар қузимга ёмон қуришиб кетяпти. Шу утиришимда яна бир нарсани эркак этдим. Кўчада кўркам эркак камчил экан. Ё менга шундай туюляптими, яна билмадим. Қаранг-да, анави шйяпали, портфелли эркакнинг оёғидаги туфлиси қийишк, чанг бостанидан ранги қанақалигини билиб бўлмайди. Буниси — манови қулириб турган пивони симиратган эркак бўлса, бир соатдан ортиқроқ утирган бўлсам, шундан буён ичгани-ичган, нақ тубеиз бочканинг узи. Ҳали шу туришида ичавериб йиғилиб қолса керак. Икки қулдини чунтагига тикиб кетаётган қаршимиздаги эркакка қаранг, енидаги аёлнинг сумкасини кутаришай ҳам демайди-я, нонинсоф. Энди ана шуларга қараб туриб, узимнинг эрим дурустроқ шекилли, деган гапни уйлаётман. Кўча тула чиройли аёллар бўлса, менинг эримга ухшаш ҳар томонлама мукамал эркаклар сааноқли бўлса, шурлик эрим айбдорим? Менинг эримдақа эркакларга аёллар пашшалеқ епишпади. Вақтимни беркорга ўтказиб утирмай уйимга борай, кеча мушуклардан орғиб қолган гуштдан мазада қилиб чўчвара пишириб, ишдан чарчаб-очикиб келган эримни кутиб олсам, а, нима дедингиз?»

Дилбар САИДОВА

НОТАНИНГ  
АЁЛ  
МОНОЛОГИ

Адиб ва журналист Мирза Карим Пирматов рафиқаси Мукаррама Муродова туғилган кунинда меҳзон ва энг азиз меҳмон эди...



(1980 йил, 18 январь)  
Даврон АҲМАД олган сурат

## ОИЛА

Ўйлошим валламаат эмасдир, рости,  
Ўзим ҳам фаршита эмасман, кейин.  
Орага қозию даллол керакмас,  
Ўзимиз келишиб оламиз секин.

Оила саройин қурган ўзимиз,  
Аччиқ-чучуғини тенг кўрдик баҳам.  
Аста шивирладик тотли сўзимиз,  
Қулоққа айтамыз аччиғини ҳам.

## САРХУШЛИК

Омадинг қулганмиш менга дуч келиб,  
Ҳаётинг чўмганмиш иқбол нурига.  
Ҳаволар эмишсан сурур, куч тўлиб,  
Қадамим ярашган эмиш умринга.

Одамнинг ўзида бўлмаса — қийин,  
Тош — юдуз бўларми мизг отган билан?  
Сархушман: кўз янглиғ термай ҳосилинг,  
Баҳордек, қудратинг уйғотганимдан!

## ҲАМРОЗ

Истайман юксакка парвозни,  
Олис-олис шаҳарларни ҳам.  
Дуркун-дуркун давраларни ҳам,  
Орзуни ўлчолмас тароз,

Маҳорат, илмимни ошириб,  
Топарман яна кенг йўл балки,  
Умидлар барқ урса дилдаги,  
Бахт мени қўяр ҳам шошириб.

Лекин сен бермасанг ризолик,  
Бўлмасанг парвозда қанотим.  
Ўйларим сўйласам, турсанг жим,  
Олмасанг дутфингга сен моллик.

Оҳ, унда остона ҳатламай,  
Турардим амринга бош уриб.  
Ёр, сенинг хоҳишинг учун деб,  
Кечардим энг ширин ўйдан ҳам.

Қўлимга бўлган — чун сен ҳамроз,  
Ўфқ сари бошладик мен парвоз!

# ЁНМА-ЁН

(Туркумдан)

## ТАН ОЛА ҚОЛГИН

Мен сени ранжитиб кўйдимми тагин?  
Дилинг овридими бу потавондан?  
Ўзимни оқламай не қилай, ахир,  
Ҳақиқат бўлса гар мен томонимда!

Ҳурматинг гулини тўккан бўлсам айт,  
Нигитлик шабингни этдимми поймол?  
Опамга, момомга ўхшаб, ҳамма вақт —  
«Эрни — эр қилишни» этдимку хаёл.

Қўлингга сув қуйиб, сочиқ тутишни,  
Якандоз солишни қилдимми қанда?  
Кечирма, гар сенадан оини сузишни —  
Сўрасам оёқда турулганимда.

Кечирма, кечирма, кечирма сира —  
Садоқат шевасин оҳорин тўксам.  
Аммо... не гапирсанг озингга қараб,  
Қаёққа судрасанг шу ёққа юрсам,

Кечирмагайман ўзимни сира!  
Кўнадан бир янги гап топиб келсанг,  
Ёнига бирини қўша олмасам,  
Ҳеч кимса сезмаган нурни илғасанг,  
Мен уни шарҳ этиб бера олмасам,

Қадаминг фикрингни ақлимда элаб,  
Ундан келасин айри олмасам.  
Фикримиз тўқнашса — ўзимни ёқлаб,  
Гапингни асосли қайри олмасам.  
Кечирмагайман ўзимни мен ҳам...  
Ранжимагай ёр, ола қолгин тан.

\*\*\*

Одамнинг жаҳлини чиқазиб қўйиб,  
Ортидан ширин сўз отиш ҳам — ишми?  
Туйғулар бағрига тош отиб қўйиб,  
Соҳида ҳамуза тортиш ҳам ишми?!

Асаблар тортиш пичоқда тирпаб,  
Кўйдан маст бўлиш — шифоданми ҳеч?  
Минг қарра розийдим сиз бундан кўра —  
Ҳайқириб келсангиз кўтариб қилич.

## ИСТАК

Нозиклашиб кетаялти таъбим,  
Талабларинг ўсар муттасил.  
Истайсан, не эса матлабинг,  
Уша бўлса — орзум нуқтаси.

Ўтиргандек чўғ устида жим,  
Турсам экан озингни пойлаб.  
Истайсанки меҳрми — бурчми,  
Қўйса мени измингга бойлаб.

Умрим кечса пешвозлик билан,  
Ўзим учун яшайин қай вақт?  
Ўйла ахир туғилмаганман,  
Ёр кўнглини овлаш чун фақат.

## ГАРМСЕЛ

Оқ юдузлар туманларга бурканмоқда,  
Ой юзига булутлар-ей сурканмоқда...  
Қашқар изғиб қолди оху кезган тоғда...  
Бор бўлсанг, оламни қалқит, садоқат!

Ҳаёлимда ёрим етук шунқор эди,  
Бугун боқсам, унда анча доғ бор энди...  
Назаримда, кимдир ундан илғор эди.  
Гармсел йўлини чалғит, садоқат!

Дил боғида бачки ҳислар умқоқдалар,  
Бу тоҳларга сур қушчалар кўпмоқдалар...  
Туйғуларим ёлғондир, ростдир магар,  
Қалбим дарахтини силқит, садоқат!

...Оқ юдузлар туманларга бурканмоқда...  
Ой юзига булутлар-ей сурканмоқда...  
Қашқар изғиб қолди оху кезган тоғда —  
Бор бўлсанг, оламни қалқит, садоқат!

## ДАДАСИДАН СЎРОВЛАРИМ

Гоҳо гул ҳидлаб, гоҳ пиёз чайнаган,  
Гоҳ — иззат-хурматда, гоҳо қайнаган,  
Гоҳ — оғир-вазмин, гоҳ-гоҳо... айниган —  
У қунлар орқада қолди, чамаси.  
Кўнглингни ёшни тан олсин Дадаси.

Сиз энди — ўғилга, биз қизларники.  
Кенг хона — Саза, бу тор — бизларники.  
Сайёди бор энди ҳар изларники!..  
«Сиз — биздан ортмасак бўлмас чамаси,  
Хушёрроқ бўлмасак — бўлма..а..ас, Дадаси!

Сиз мамнун эдингиз — ороланмасам.  
Мен ҳам ор қилмасдим, эмас деб бапанг.  
Даврага кирсак гар пойфазлда чанг,  
Қизимиз жовдираб қолар, чамаси...  
Ўзимиз довидираб қолар, Дадаси!

Фарзандлар отасин даҳо санашар,  
Кўксидан шу ишонч, шу гурур яшар.  
Сўраган саволи билмасангиз гар,  
«Билмайман», — демангиз зинҳор, Дадаси!  
(Шу бир сўз қилар йўқ, ё бор Дадасин!)  
Жо...о..он Дадаси!!!

## ИЛТИЖО

Ййманма, азизим! Эркин тут ўзи,  
Кўнглинг не тусаса айтгин тортишмай.  
Ҳаёдан липиллаб ўтган ҳар сўзинг —  
Ишораси учун жон-жаҳоним тутмай!

Минг шифо қидириб битта дардингга,  
Юз табиб гапига қўлман ихлол.  
Умидвор бош қўйиб оёқларингга,  
Илтижо қиламан: «Дарддан эт халос!»

Кафтингда кўтариб юрмоқчи эдинг,  
Юрагим аҳши-ку ёнингда бира.  
Орзулар юзага чиқса ҳам секин,  
Соғ, қўша ўтсак бас бутун умрга!

1968 — 1993 йиллар.

Мукаррама МУРОДОВА

# ЭРКАКЛАРГА ИШОНМАЙМАН!

(34 ёшли қиз билан сўхбат)

Мен бу қиз билан илк бор учрашганимда юрагимда шунча дарду аламларни яшириб юрган кунлида эркекларга нисбатан ишончсизлик, ҳатто, бу қалар кучли нафрат борлигини билмаган эдим. Кунларнинг бирида нима ҳам бўлди-ю, биз узок сўхбатлашиб қолдик. Сўхбатимиз давомиди қизнинг юрагини уртаётган дардларини билишга муяссар бўлдим.

— Манзураҳон, сизни айни пайтда нима қийнайпти?

— Мени ҳаётда битта нарса қийнайди? У ҳам бўлса уз жуфти ҳалоллигини топиш. Бир неча йилдан бери яккаю-ягона орзум бўлиб келаётган уша кун қачон келади. Бу ёғи фақатгина Ярат-

ганга аён.

— Ёшингиз ҳам анчага бориб қолибди? Тезроқ бирортаси билан топишиб, турмуш қуриб кетганингиз яхши эмасми?

— Туғри, ҳозир ешим 34да. Лекин, «тезроқ турмуш қуриш» эса менинг қўлимдан келадиган иш эмас. Ҳар ҳолда қиз бола бутлангим учун бунга ожизман. Негаки, биз қизларнинг қисматимизда бировга совчи юбориш ёзилмаган. Шундай экан мен ҳам токи, юлдузи-юлдузимга мос тушадиган йиғитдан совчи келгунча «қари қиз» бўлиб ўтиришга мажбурман.

— Лекин, сиз тенги йиғитлар аллақачон ўйли-жойли бўлиб кетишган. Ҳатто бир неча ёш кичиклари ҳам...

— Гапингизга тушундим. Энди биз тенги қизларга буй йиғитлар қаёқда дейсиз. Қопгани шаронга қараб қилинадиган ишлар. Ҳар ҳолда, ҳақи ҳам кеч бўлмаса керак. Бугеги тақдирингиз иши-да...

— Мени кечирасизу, остонагизга совчилар келишганими?

— Жуда кўп келишган. Сузларимга балки ҳайрон бўлаётганлиримиз. Ажабланманг. Халқимизда «Оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичад», деган нақл бор. Гапингиз оғизга, эркекларга ишонмай куйганман.

— Ҳар бир инсоннинг юрагига илк муҳаббат ошно бўлади. Сизда ҳам шу нарса булганми?

— Ҳозирги тортаётган барча жабру ситамалим уша «илк муҳаббат»нинг мевасидир. Мактабни тугатгач, ўқишга кириш ниятида шаҳарга келдим. Омадим чопмади. Сунгра заволда ишга кирдим. У пайтлар комсомол комитети деган ташкилот буларди. Ҳануз яхши эслаيمان. Уктам

деган йиғит шу ташкилотнинг бошлиғи эди. Кўп утмай мени унга ердамчи этиб тайинлашди. Ҳар доим бирга булгандан кейин уша одамга урганиб қолар экансан. Кунларнинг бирида кинога таклиф қилди. Мен ҳам рози бўлдим. Хуллас, вақт ўтавергани сари унга булган меҳрим орта бошлади. Уни севиб қолганимни ҳам ушангагина аниқладим. Энди мен бутунлай ихтиёримни қўлдан бой бергандим. Уни бошқалардан қизганар, бир дақиқа булсин енимлан узоқлаштирмастикни истардим. Кунларнинг бирида тилга кириб, севи изхор этди. Ушандан кейин ҳаммаси бошланди. Илк муҳаббат. Ширин хаёллар...

— Манзура, айтинг-чи, Уктам нега сизга бевафолик қилган?

— Бугеги билмадим. Ушанда қиш эди. Туйин ҳам узимизча баҳорга мулжаллаб юргандик. Лекин қўқам келгунча у заволдан бўшаб кетди. Қайтиб қорасини кўрсатмади.  
— Энди нима қилмоқчисиз?

— Билмадим. Ҳар ҳолда ўзим билганимча мустақил яшайман. Бир хонали бўлса-ла ишонамдан уй беришсан. Утмишинг яхши-ёмон қўларини бошдан кечирдим. Келажакни эса фақат Аллоҳ билади.

— Шу кунларда нималарни соғиниб яшайсиз?

— Чақалоқ йиғисини, яна алла айтиб, бешик тебратишни, оналик меҳрини қўмсаётман.

— Оналик меҳри ҳақидаги фикрингизни билмоқчиман?

— Муҳаббат бор нарса. У ҳар кимнинг ҳам қалбига ошно булвермайди. Бу нозик туйғунини эъозлаш, вақтида қадрига этиш керак. Уни хор қилганларнинг узи, бир умр бахтсиз бўлса ажаб эмас...

— Раҳмат, бахтингиз очилиб кетсин!

Сўхбатдош  
А. ПАРДАЕВ,  
Қашқадарё

Кўзингизга қаранг, йўловчи!

САҚДАНГАНГА НАЖОТ БОР

Аслида кўп кунгилсиз воқеалар, ҳодисалар, тасодифлар ёки эҳтиётсизликлар кишининг умрига зомин бўлиши ҳеч гап эмас.

Тура Тулаганов эҳтиётсизлик қурбони бўлди. Уни Жарқургон тумани ҳудудига — 165 раъздда поезди тўхтади кетди. Бошдан каттиқ жароҳатланган йигит, воқеа руй берган ерда...

— Биз бундай кунгилсизлик бошқа такрорланмаслигини истардик, — дейди Термиз темир йўли ички ишлар бўлими жиноятчиликнинг олдини олиш бўлимида бошлиғи, милиция майори Турақул Тураев. — Афсуски, шу йилнинг 17 январ куни Шурчи туманидаги Элбоён бекатида Тошкент — Сариев йўналишида қатнайилган 924-поезд тепловози 72 ёшли Холбиби мома Хужановани туртиб кетди. Момонинг бош тарафи қаттиқ шикастланган экан, вафот этди. Айнан эҳтиётсизлик бу воқеага ҳам сабаб бўлди.

Шу қунларда бозор иқтисодиёти ҳали вояга етмаган усмирлар, болаларни ҳам қузғаб қуйганлиги сир эмас. Айниқса, Сурхондарё вилояти ҳудудига Тожикистон тарафдан келатган поездаларда юк кутариб сарсон-саргардон юрган қузғаб усмирлар, болаларни учратиб бўлмади. Термиз темир йўли ички ишлар бўлими вояга етмаган ёшлар билан ишлаш бўлимида бошлиғи, милиция майори Олимжон Чориев қуйиб шундай дейди:

— Барчасини тириқчилик гами шу қўйга солган. Яқинда бир ноҳуш воқеа бўлди. Душанбе — Қониболлом йўналиши бўйича қатнайилган 267-поезд Сариев темир йўли бекатида қириб келатганда уни беш ёшли бир қизча сакради. Поезд ҳали тўхтамаганда, вагонлар улганган ердаги резина оралигидан узини ерта олган. Натига-

Хозирги пайтда электрон ҳисоблаш машиналари (ЭХМ) ишлаштирилган соҳани топиш қийин. Компьютер табиқи — эртанинг иши эмас, балки бугуннинг ишидир. Демак, ҳар бир ўқувчи келажакда уз касбига еришчи бўлади, компьютерларни ишлаштиришга тайёр бўлиши керак. Бугунги кунда болаларнинг бу техник воситалар билан муносабатини ошириш учун мактаблар, болалар уйлари ва ҳаттоки болалар боғчалари ҳам компьютерлар билан жиҳозланмоқда.

Болалар катталарга қараганда нотаниш техник тилини осон ўқитирилади ва тезда қуниқиб кетилади. Педагоглар ва психологларнинг айтишича, компьютер билан мунтазам ишлаш манфиқий тасаввурни кенгайтириб, аниқ мақсадга интилиш ва уз-узига ишонч ҳисларини оширади. Масалани ечолмай миясини қотираётган ўқувчи компьютерда

чаққонлик билан жавобларни бериш-кетин чиқараркан. Аммо ота-оналар билишлари керакки, компьютерлар билан бундай мулоқотлар маълум миқдорда хавфли ҳамдир. Сир эмас, кўпчилик ЭХМ операторлари қуриш қобилиятининг суниби бошқа кишиларниқига қараганда юқори

Маълумки, компьютер дисплейлари ҳар ҳил ультрабафна, инфракрасил, радиочастотали ва бошқа электромагнит нурланган нурлар билан таъсирланади. Шундай экан, бу каби нурларнинг нафқатга инсоннинг қуриш қобилиятига, балки бугун организмизга катта таъсири бор.

Бундай пайтларда аввало қузга ёқимли, меъёрлаштирилган, аниқ тасвир ва экранга бошқа предметиқнинг акси тушмайилган қулай иш шартларини яратиш керак. Айниқса, компьютер



урини эгаллайди. Шунинг учун болаларга компьютер билан турти мулоқот қилиш ва компьютер хавфсизлигини ургатиш зарур.

экранига бошқа нурлар тушмаслигига эътибор бериш лозим. Қуниқ экранга тушган нур экрандаги тасвирнинг аниқлигини қандайлиги билан қузга катта таъсир келтирилади.

Компьютер экран қузланмада 50—55 сантиметр узоқликда турти шарт. Қули калта бўлган ўқувчилар эса қузойнақ тақиб ишлашлари керак. Компьютер уйлари билан уйнаётган болалар бир неча соатлаб компьютер олдида утиришлари аниқ. Бундай ҳолларда болаларнинг қуз қобилияти сувайиб, жисмонан ривожланиши учун зарур бўлган ҳаракат фаоллиги пасаяди. Психологлар айтишича: бугун бундай вақтнинг компьютер олдида ўтказган бола, уз тенгдошлари билан мулоқотда қийинчилик сеза бошлайди.

Врачларнинг қузатишлариға қараганда, компьютер олдида таъсирсиз ва энг яхши мунтазам утириш ишлаш оралиғи юқори синф ўқувчилари учун 25—30 минут, 7—8 синф ўқувчилари учун 15—20 минут, пастки синф ўқувчилари учун 10 минутдан олмаслиқи керак. Бу вақтдан сунг 10 минут дам олиш даркор.

Бундай пайтларда қуз гимнастикаси қул келди. Қуз олмасини айланма ҳаракатлантириш, узоқ масофаларга нигоҳини йўналтириш, қийин турган нарсалардан узоқдаги нарсаларга қараши. Бу машғулот натижасида қуз томриларидиға қуцланиш кетказилади.

Компьютер билан шуғулланган болани шу қуни телевизор қуришга йул қуйманг, аке ҳолда бу унинг қуриш қобилиятиға ва асаб системасига ортиқча юк бўлади.

«Helix» журналидан

ХУРОЗНИНГ ҚИЧҚИРИГИ

(Эртас)

Қадим замонда жуда шўх бир хурос булган экан. Эрталабдан келгача пастдан тенага, тенадан пастга сакраб, ўйнаб юрараркан. Бирон лаҳза жойида тинч турмас экан. Бир қуни хурос ўйнаб юрса, оётиға тикан қирибди. Оғрининг зуридан азоб чекибди. Тиканнинг олиб ташлашга ҳаракат қилибди, лекин ололмабди. Чуқоқладиб-чуқоқладиб йўлга тушибди. Йўлда бир кампирни қурибди. У тандирнинг ёнида нон ёпишга таъриқ кураётган экан-у, аммо тандирни қиздиришга утин тополмаётган экан. Хурос кампирға яқин келибди.

— Эй кампир! Оётиға тикан қирди. Уни олиб ташла ва у билан тандирингни қиздир, — дебди. — Қандай яхши! Қузларингни чирт юмиб турсанг, тиканини олиб ташлайман.

Кампир тиканини олиб, тандирга ташлабди. Тандирни қиздириб, нон ёпибди.

Нон ёпилгач, хурос дебди: — Эй кампир! Тиканини қайтариб бер, менга керак бўлиб қолди.

— Мен у билан тандир қиздирдим. Нон ёпдим. Ахир, тикан ёниб кетди-ку, — жавоб берибди кампир.

— Епган бўлсанг, епибсан! Тиканини қайтариб бер, е у енингдан учаман, бу енингдан учаман, нонингни олиб қочаман.

Хурос кампирнинг битта нонини олиб қочибди. Йўлда чўпонни учратибди. Чўпон ларрак тағида утириб сўт ичмоқчи бўлиб турган экан.

— Сўтни елгиз ичмайилар, нон мендан сўт сендан. Иккаламиз ичмайлик, — дебди хурос.

